



## RUBIA TINCTORUM L.– ДОРИВОР БҮЁҚЛИ РЎЯННИ ЕТИШТИРИШ

### АГРОТЕХНИКАСИ

**Озодбекова Гавҳарой Азизбек қизи**

Тошкент давлат аграр университети

**Машрабжонова Мафтунахон Умиджон Қизи**

Тошкент давлат аграр университети

**Миралиева Хабиба Мирруслановна**

Тошкент давлат аграр университети

**Сотиболдиева Дилноза Илхомжоновна**

Ўзбекистон Миллий университети

**Хакимова Дилабза Аъзамжоновна**

Тошкент давлат аграр университети

**Махкамов Тробжон Хусанбоевич**

Тошкент давлат аграр университети

[mturobzhon@mail.ru](mailto:mturobzhon@mail.ru)

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистонда доривор, мелиорант ва бўёқбоп рўянни етиширишнинг илмий асосланган усуллари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Rubia tinctorum* L. нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** *Rubia tinctorum*, экиш, етишириш, агротехник тадбирлар, тиббиётда қўлланилиши.

### ABSTRACT

The article presents the results of scientific research on scientifically based methods of cultivation of *Rubia tinctorum* in Uzbekistan. At the same time, information is given on the preparation and therapeutic use of marshmallow raw materials and its chemical composition.

**Key words:** *Rubia tinctorum*, cultivation, agrotechnical measures, use in medicine.



**КИРИШ.** Ўсимликлардан фақат озиқ-овқат, кийим-кечак ёки қурилиш материаллари сифатида эмас, балки соғлиқни сақлаш мақсадларида ҳам етиштириш концепцияси ўсимликлар биотехнологияси ва агротехникасини ҳам аста-секинлик билан ўзгартирмоқда. Бутун дунёда зираворлар, ноанъанавий озуқа ва доривор ўсимликларга қизиқиш ортиб бормоқда. Жаҳонда интродукция қилинган доривор ўсимликлардан фойдаланиб фитопрепаратлар яратиш, уларнинг хомашёсини халқаро стандартлар талабига мос келишини аниқлаш, ўзга ҳудуд флорасига мансуб бўлган қимматбаҳо, фитокимёвий таркибга бой бўлган истиқболли турларни етиштиришга эътибор қаратилмоқда.

Антрапоген таъсирлар остида ўсимлик дунёсининг биологик хилма-хиллиги камайиб бораётган шароитда, республикамизнинг тупроқ иқлим шароитига мос янги экин турларини интродукция қилиш орқали махаллий доривор ўсимликларга бўлган босимни камайтириш, хомашё захирасига бўлган талабни қисман қондириш каби муҳим натижаларга эришилади. Доривор ўсимликларнинг хомашёсига бўлган талабни уларни ўсиш ва ривожланиш қонуниятларига таянган ҳолда, яъни кўпайтириш ва етиштиришнинг илмий асосланган усусларини ишлаб чиқиш орқали қондириш хозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўзбекистонда доривор ўсимликларни морфогенези, мавсумий ривожланинш мароми, биоморфологик хусусиятлари [1,2,3], кўпайтириш ва етиштириш усуслари [4,5,6], фитокимёвий таркиби ва бошқа хусусиятлари [7,8] бўйича илмий тадқиқотлар ўтказилиб, ижобий натижаларга эришилган.

Мақолада Ўзбекистонда доривор тирноқгулни етиштиришнинг илмий асосланган усуслари бўйича илмий тадқиқот натижалари келтирилган. Шу билан бирга *Rubia tinctorum* L. нинг хом-ашёсини тайёрлаш ва унинг сифати ҳамда тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби тўғрисида маълумотлар келтирилган.

*Rubia tinctorum* – қўп йиллик ўт ўсимлик, горизонтал илдизпојси ёғочсимон, шохланган чирмашувчи поясининг баландлиги 1,5—2 метргача бўлган, Rubiaceae оиласига мансуб доривор, мелиорант ва бўёқбоп ўсимлик хисобланади.



*Rubia tinctorum* нинг асл ватани - Ўрта ер денгизи, Кичик Осиё ва Марказий Осиё ҳамда Шарқий Европа. Дарё бўйидаги дараҳт ва бутазорларда, сугориш каналлари қирғоқлари бўйида, шағалларда, дашт ўтлоқларида, қирғоқларда, қарағай ўрмонларида, ташландик боғларда, узумзорларда ва тўсиқлар бўйида ўсади [9]. Ўзбекистон флорасининг обориген ўсимлик тури хисобланади.

*Rubia tinctorum* узоқ вегетация даврига эга бўлган иссиқлик ва намликини яхши кўрадиган ўсимликдир. Куруқ йилларда у ёмон ривожланади, уруг ҳосилдорлиги сезиларли даражада камаяди. Ўсимлик тупроқнинг механик таркибини танламайди: у қумларда, қумлоқларда ва солонетларда ўсади, бироқ, механик таркибиغا кўра енгил ва ўрта тупроқларни (айниқса, маданий экин сифатида ўстирилганда) хуш кўради [9].

**Ўсимликнинг тарқалиши.** Ариқ ёқаларида, далалар, боғлар, ўрта тоғ минтқаларида тошли жойларда учрайди. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Сурхондарё вилоятларида ўсади. Умумий тарқалиши: Ўрта Осиё, МДҲнинг Европа кисми, Кичик Осиё, Эрон, Афғонистон.

**Агротехник тадбирлар.** Уруғидан ва илдизпоя-қаламчаларидан кўпаяди. Асосий шудгордан олдин ҳар гектар ерга 25-30 тоннадан гўнг ва 30 кг.дан донадор суперфосфат солинади. Ер 30 см чуқурлиқда хайдалади. Экишдан олдин уруғларга ишлов беришнинг ҳожати йўқ. Гектар бошига 8-10 кг.дан уруғ экилади. Экишнинг мақбул муддати 20-30 март. Уруғ 2 см чуқурликка экилади. Унувчанлиги ўртacha 77,5 % ни ташкил этади.

Илдизпоя қаламчалари билан кўпайтирилганда яшовчанлик 80-90% дан иборат. Ўсимлик зичлиги 1 метрда 10-15 донани ташкил этиши керак. Уруғ ва қаламча қатор оралари 60 см.дан қилиб экилади, бунда рўяннинг иккинчи ва ундан кейинги йилларда илдизпоядан жадал вегетатив кўпайишга қобиллиги ва тупроқ устининг бутқул коплашини назарда тутилади.

Биринчи йили 7 марта суғорилади (май-1, июнь- июль-2, август-сентябрь-1 тадан), кейинги йиллари суғориш микдори икки ҳисса камаяди. Факат биринчи йили ер юмшатилади (ҳар бир суғоришдан кейин 2 марта). Ҳар йили бегона ўтлардан



тозаланади. Биринчи йили ерни юмшатиш баробарида май ва июнда гектарига 60 кг.дан азот ўғити солинади.

Уруғлари иккинчи ва учиичи йиллари, дастлабки мевалари қўнғир тусга кирганида, уларнинг тушиб кетишига йўл қўймай, йифиб олинади. Ўриб олиш учун дуккакли экинлар уруғ машинаси ЖБ-3,5 қўлланади. Пояси куригач, териб олиниб, хирмонга уйилади, дон комбайннида ёки қўл кучида туйилади. Уруг дон тозалагич ускуналарда тозаланади. Ҳар гектар ердан 80-100 кг уруғ олинади.

Рўяннинг илдиз ва илдизпоялари ўсимлик ўсишининг 3-йили йифиб олинади. Бундан олдин ўсимликнинг ер устки қисми ўрилади ва уруғини янчиш учун хирмонга тўпланади. Илдиз ва илдизпоялари ағдарма тиҳсиз молалар билан қазилади ва қўлда териб олинади. Тупроқдан тозалангач, сувда ювилади ва яхшилаб тозаланади, кейин 45-500С даражада ҳароратда қуритилади.

Республикамизнинг сугориладиган ерларида ҳар гектар ердан ўртача 10-12 центнердан ҳосил олинади.

**Хом-ашё тайёрланиши ва унинг сифати.** Доривор мақсадларда ўсимликнинг илдизи ва илдизпояси ишлатилади. Хом-ашёси эрта баҳорда, март-апрель бошларида ёки вегетациясининг охири – август бошларидан совуқ тушгунча тайёрланади. Белкурак ёрдамида ковлаб олиниб, тупроғи қоқилади, кесилади ва ўсимликнинг ер устки қисми ажратилади. Кейин ювилмаган илдизи ва илдизпояси сўлдириш учун ёйиб қўйилади. Сояда айвон тагида ёки 450С ҳароратда қуригичларда қуритилади. Хом-ашёни саклаш муддати 2 йил. Табиий майдонларда ўсимликнинг қайта ўрими 3 йилдан кам бўлмаслиги тавсия этилади. Боғ ва узумзорларда ўрим, қатор ораликларининг (февраль-апрель бошларида, шунингдек ноябрда) биринчи ҳайдалишида ҳар йили олиб борилади.

**Тиббиётда қўлланилиши ва кимёвий таркиби.** Ўсимликнинг доривор хусусиятлари қадим замонлардан бери маълум. Рўян илдизидан тайёрланган қайнатмани Абу Али ибн Сино фалаж, тўқималарнинг сезувчанлигини йўқотганда тавсия этган. Меваларига уксус ва асал қўшилган, сувда тайёрланган қайнатмаси - талоқ шиши ва бошқа касалликларда ишлатилган. Ўсимлик илдизлари экстракт,



кукун ва бошқа препаратлар ҳолатда буйрак, сийдик йўллари, ўт пуфаги ва ўт йўлларидаги тошларни тушириш учун ҳамда сийдик ҳайдовчи дори сифатида кўлланилади.

Илмий тиббиётда куруқ экстракти – сийдик йўлларидаги тошларни тушириш учун спазмолитик, диуретик воситадир. «Цистенал» комплекс препарати таркибига киради. Кукуни гомеопатияда, дамламаси камқонликда ишлатилади. Тибет тиббиётида ангина ва дифтерияда; ҳинд тиббиётида аменория ва анурияда; корейс тиббиётида юрак касалликларида кўлланилади. Халқ табобатида кукуни, қайнатмаси, экстракти буйрак, сийдик йўллари, жигар, талоқ, нафас олиш органлари, ичак ва суяқ сили, рахит, остеомиелит камқонлик, асцит, дизентерия, скрофулез, подагра, ишиасда, язва, дерматомикозда, пигментли яраларда, тери ракида фойдаланилади. Туркманистанда зехн пастлигида ичилади, поясидан кукун тайёрлаб, мазъ ҳолда ииқилган, чикқан, синган жойларга суртилади.

Дори тайёрлаш ва фойдаланиш - ўсимлик экстракти таблетка ҳолда 0,25 г дан чиқарилади. З маҳал 2-3 дона ичилади. Ичишдан олдин таблеткалар 0,5 стакан илиқ сувда аралаштирилади. Даволаниш муддати 20-30 кун. Қайта зарурат бўлганда, даволаниш муддати 4-6 ҳафтадан кейин такрорланади. Экстракт гломерулонефрит (буйрак ва ичакдаги яра) касаллигида қўлланилмайди.

Цистенал (Cystenal) – комплекс препарат, таркибида рўян илдизи дамламаси 0,01 г, магний салицилат 0,15 г, эфир мойлари 6,15 г, этил спирти 0,8 г, зайтун ёғи 10 г гача бор. Қандли диабетда овқатланишдан 30 минут олдин 3-4 томчи; оғриқли санчишда 20 томчи, ҳар доимги санчишда кун давомида З маҳал 10 томчидан, препарат қабул қилиш билан боғлиқ жигилдон қайнашида уни овқат пайтида ёки овқатдан кейин ичилади. Флаконларда 10 мл дан чиқарилади. Цистенал – юқорида айтилгандек, гломерулонефрит (буйрак ва ичакдаги язвада) касаллигида қўлланилмайди.

Рўян илдизи ва илдизпоясидан тайёрланган дамлама (болгар рецепт): 1 чой қошиқ янчилган хом-ашёсига 200 мл совук сув қуйилади, 8 соат давомида тиндирилиб қўйилади ва хом-ашёга 2-марта 200 мл қайнаган сув қуйилади, 15



минутдан кейин яна тиндирилади. Иккала дамлама аралаштирилади ва кун давомида бир неча марта ичилади.

Ўсимликнинг илдизи ва илдизпоясидан тайёрланган кукун 1 г.дан кунига 3 маҳал кам миқдорда сув билан ичилади.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар: ўсимликнинг препаратини меъёрдан ортиқ ичиш сурункали шамоллаш касалликларини қўзғатиб юборади.

Бошқа соҳаларда қўллаш - қадимги греклар, римликлар, мисрликлар рўян илдизини юқори баҳолашган. Ундан айнимайдиган қизил ранг олишган. Қадимда у матоларни бўяш учун ягона ўсимлик бўлган.

Асалширали. Ветеринарияда экстракти, қуруқ экстракти сийдик йўлларида тошларни тушириш учун фойдаланилади. Ҳозирги вақтда гилам ишлаб чиқаришда ҳам ишлатилади. Ундан турли хил рангдаги бўёқлар олинади. Хашагини йирик моллар истеъмол қилганда, сигир сути қизил рангга киради. Бўёқ олиш учун Ғарбий Европанинг кўпгина давлатларида ва Осиёнинг айrim мамлакатларида маданийлаштирилган.

Ўсимлик илдизпояси таркибида органик (лимон, олма, вино) кислоталар бор. Шунингдек, тритерпеноидлар, витамин С, антрахинон 2,68%, ализарин, рубиадин, пурпурин, луцидин, псевдопурпурин, иридоидлар, асперулозид ва бошқалар учрайди. Ер устки қисмида углеводлар, пектин, иридоидлар, асперулозид 0,16%, дезацетиласперулозид, кумаринлар, флаваноидлар: рутин, гиерозид бор.

## REFERENCES

17. Жумабоев Ф.Ш., Махкамов Т.Х., Авазова М.А. Тошкент вохаси шароитида испан мингбошини етишириш технологияси //Agro Inform. – 2022. – №. 4. – С. 30-35.
18. Жумабоев Г. Ш., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик-Испан мингбоши (*Vaccaria hispanica* (Mill.) Rauschert) ни маданийлаштириш истикболлари ва уруг унувчанлиги //ГулДУ ахборотномаси. – 2022. – Т. 1. – С. 17-23.
19. Мелиқўзиев А. А., Ергешев Д.А., Махкамов Т. Х. Инвазив ўсимлик *Amorpha fruticosa* L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 7. – С. 168-175.



20. Sotiboldieva D. I., Mahkamov T. X. Component composition of essential oils Curcuma longa L.(Zingiberaceae) introduced in Uzbekistan //American Journal of Plant Sciences. – 2020. – Т. 11. – №. 8. – С. 1247-1253.
21. Тўхтаев, Б. Ё., Махкамов, Т. Х., Тўлаганов, А. А., Маматкаримов, А. И., Махмудов, А. В., & Алляров, М. Ў. (2015). Доривор ва озукабоп ўсимликлар плантацияларини ташкил қилиш ва хом ашёсини тайёrlаш бўйича йўриқнома.
22. Yuldasheva, N. E., & Aminova, M. (2022). Albuca bracteata-hind piyozini etishtirish usullari va shifobahshlik xususiyatlari. *Academic research in educational sciences*, 3(2), 376-384.
23. Меликўзиев, А. А., Ергешев, Д. А., & Махкамов, Т. Х. (2022). Инвазив ўсимлик Amorpha fruticosa L. нинг биоэкологик хусусиятлари ва кўпайтириш усуллари. *Academic research in educational sciences*, 3(7), 168-175.
24. Сотиболдиева, Д., Махкамов, Т. Х., & Дусчанова, Г. М. (2019). Анатомо-гистологическое строение корневища Curcuma longa L.(сем. Zingiberaceae) в условиях интродукции). *НамДУ илмий хабарномаси*, 1, 54-59.
25. Марена // Большая российская энциклопедия : [в 35 т.] / гл. ред. Ю. С. Осипов. — М.: Большая российская энциклопедия, 2004—2017.

